# Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

1992 йил 13 июнь • шанба

№ 92 (10.341). Баҳоси 2 сўм.


# МУКОФОТ МУБОРАК!

Республикамизда илмий тафаккурни ривожлантиришга қўшган катта ҳиссалари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларига мўлжалланган дарсликлари учун Ўзбекистон Президентининг фармонига мувофиқ бир гуруҳ олимларга фан ва техника соҳасида Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофотлари берилди.

10 июнь куни Ўзбекистон Президенти девонида ана шу мукофотларни топшириш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов мукофотланганлар ҳузурида нутқ сўзлади.

— Бугун биз сизларга Беруний номидаги Республика Давлат мукофотларини топшириш учун бу ерга тўпландик, — дея олимларга мурожаат қилди Президент. — Бу Ўзбекистонимиз мустақилликка эришгандан буёнги биринчи ана шундай воқеадир. Бундан ҳаммамиз хурсандмиз.

Ҳозир мустақил Ўзбекистон давлати ўз олдига иккита катта вазифани асосий мақсад қилиб қўйган,— деб сўзида давом этди Президент — Биринчи мақсад— республикада фаровон ҳаёт барпо этиш, Ўзбекистонимизни тараққий эттира бориб, уни жаҳондаги энг илғор мамлакатлар сафига олиб чиқишдан иборатдир. Иккинчи мақсадимиз эса ўлкада бозор иқтисодиётига асосланган янги жамият қуриш. Ана шу улуғвор мақсадларни рўёбга чиқаришда сиз олимлар ҳам ўз ҳиссангизни қўшасиз, деб ўйлайман. Чунки фансиз бунга эришиб бўлмайди, албатта. Фан—енгилмас кучдир. Сизлар фақат фанимиз заҳматкаши бўлибгина қолмай, давлатимизнинг фидойи кишиларисиз. Биз, сиз олимлардан фанда кўпгина янгиликлар кутяпмиз.

И. А. Каримов Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш ва уни тобора ривожлантириш, республикани вақтинча рўй берган иқтисодий тангликдан тезда олиб чиқиш, ўлкада яшаб, меҳнат қилаётган турли халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни, тинч-тотувлик ва осойишталикни қарор топдиришда олимларнинг роли муҳимлигини таъкидлади. Уларга зарур шарт-шароитларни яратиб бериш кераклигини айтди.

Шундан кейин олимларга давлат мукофотлари — лауреатлик дипломлари ва нишонлар топширилди.

И. А. Каримов олимларни юксак мукофотлар ҳамда Қурбон ҳайити билан чин қалбдан муборакбод этди, уларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, узоқ умр ва илмий изланишларида янгидан-янги зафарлар тилади.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан таниқли олимлардан Т. Саримсоқов, А. Қаюмов ва бошқалар камтарин меҳнатларига берилган юксак баҳо учун республика раҳбариятига ўзларининг чексиз миннатдорчиликларини изҳор қилдилар. Улар барча куч ва имкониятларини ўлкамизда фанни янада тараққий эттириш, унинг ютуқларини мустаҳкамлаш ҳамда халқ бахт-саодати йўлида хизмат қилдириш учун сафарбар этажакларини айтдилар.

Мукофотларни топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат котиби Р. Ражабов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев, Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси С. Саидқосимов, республика Фанлар Академиясининг президенти М. Салоҳиддинов иштирок этдилар.

**Т. БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## КОРЕЯ ЖУРНАЛИСТИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 июнь куни Корея Республикасининг энг нуфузли «Чосон ильбо» газетаси мухбири Жонг Сокни қабул қилди.

Мухбир Ўзбекистон Президентининг Корея Республикасига бўлажак сафари мақсадлари ҳақида сўзлаб беришни сўради.

— Биз, — деди Президент, — яқин ва Узоқ Шарқдаги барча мамлакатлар билан тинч ва ўзаро манфаатли муносабатларни йўлга қўйиш ниятидамиз, Корея Республикасига ҳам айни шу мақсадда ташриф буюрмоқчимиз. Сўнгги икки йил ичида Ўзбекистон Республикаси дунёнинг ўнлаб мамлакати билан иқтисодий алоқа боғлаб, 250 дан зиёд қўшма корхона очди. Ўзбекистонда Кореянинг «Самсунг электроникс», «Хансо трейдинг» фирмалари шуҳрати яхши маълум. Бундан кейин ҳам шундай алоқаларни ривожлантираверамиз.


Ўзбекистон Президенти Жонг Сокнинг жумҳурият иқтисодиёти, ташқи иқтисодий алоқалари, жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ҳақидаги саволларига жавоб қайтарди.

## ФИДОКОРОНА МЕҲНАТЛАРИ УЧУН


Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан Ўзбекистон Кўрлар жамияти корхоналари ва ташкилотларининг ўрнак кўрсатган ишчилари ва хизматчилари мукофотланди.

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, ишлаб чиқариш, турмуш ва таълимни ривожлантиришдаги хизматлари, жамоат ҳаётидаги фаол иштироки учун унвонлар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланганлар орасида пойтахт ва Тошкент вилояти вакиллари ҳам бор.

Жамият кардионеврология санаторийсининг директори **Миродил Мираҳмедович Мираҳмедов** «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» унвони билан, жамиятнинг Тошкентдаги ўқув-ишлаб чиқариш комбинати ишчиси **Сайилбани Абдулазизова**, жамият марказий бошқаруви таъминот бўлимининг катта муҳандиси **Зинаида Викторовна Мижлумова**, жамият марказий бошқаруви инспектори **Людмила Эдуардовна Морозова**, жамият марказий бошқаруви режалаштириш бўлими бошлиғи **Ольга Дмитриевна Пискун**, жамият марказий бошқаруви раисининг ўринбосари **Насвар Санъатова**, жамият марказий бошқаруви ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи **Малика Акбаровна Тўхтабоева**, жамиятнинг Чирчиқдаги ўқув ишлаб чиқариш корхонаси бичувчиси **Сафо Собирович Шакриянов**, кўрлар учун чиқариладиган «Бир сафда» — «В одном строю» ва «Янги ҳаёт» журнали бош муҳаррири **Анваржон Акбарович Эшонхўжаев**, жамият марказий бошқаруви инструктори **Эркин Тонрович Юсупов**, жамият босмахонаси брайль ҳарф тизмаси созловчиси **Насибулла Юсупов** Ўзбекистон Республикасининг Фахрий Ёрлиқлари билан тақдирландилар.







● **ЎЛКАМИЗ** мусулмонлари улуғ айём — Қурбон ҳайитини эмин-эркин байрам қилмоқдалар. Ўтган пайшанба куни барча масжидларда ийд намози тантанали тарзда адо этилиб, хутбалар ўқилди. Ҳайит айёмида халқимиз қўни-қўшнилар, қавм-қариндошларини табриклаб, бемор ва кексаларни йўқлаб бориб, уларнинг кўнгилларини кўтардилар, муҳтожлар ва етим-есирларга эҳсонлар қилинди.

Ушбу суратлар пойтахтимизнинг Мирзо Юсуф жомеъ масжидида ийд намози пайтида олинган.

**В. ТЎРАЕВ суратлари.**

• МУҲАРРИРИЯТГА КЕЛГАН ХАТЛАРДАН •

# ҲИММАТИНГИЗГА БАЛЛИ!

ЎЗБЕК халқи — болажон халқ. Айниқса, етим-есирлар кўнглини кўтариш, уларнинг бошини силаш азалий одатимиз. Бундай меҳрибонлик намунасини Тошкент шаҳар, Юнусобод районидаги болалар уйи тарбияланувчиларига кўрсатилаётган ғамхўрликлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бу ерда кўрсатилаётган меҳр-мурувватларни амалга оширишда кенг жамоатчиликнинг ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдами катта бўлмоқда. Ушбу масканда тарбияланаётган ўғил болаларни миллий удумга биноан хатна қилиб, қўлларини ҳалоллаш ҳам йўлга қўйилди. Яқинда бу ерда бир йўла 12 нафар боланинг қўллари ҳалолланди.

Бу хайрли воқеадан хабар топган райондаги Фирдавсий номли маҳалла қўмитасининг раиси С. Содиқов ўша куниёқ қариялар ва фаолларни тўплаб яхши бир маслаҳатни ўртага ташлади. Болалар уйида ўсаётган гўдакларнинг кўнглини кўтариш мақсадида суннат тўйини маҳаллада ўтказиб беришга келишиб олинди. Кўпчилик бу таклифни қўллаб-қувватлади. Бу тантанага сарфланадиган барча сарф-ҳаражатни маҳалла аҳли ўз зиммасига олди. Тўй куни ҳам белгиланди.

А. АЛИЕВ.

ҚИБРАЙ РАЙОНИДА

# Янги чойхона очилди

Қибрай районидаги «Кўприкбоши» азалдан ўзининг хушманзара табиатию танти, меҳмондўст одамлари билан эл оғзига тушган. Қишлоқ марказидан Бўзсув ва Қорасув каналларининг оқиб ўтганлиги унга ўзгача фусункорлик бағишлайди. Ана шу зилол сув соҳилидаги чойхоналарга нафақат пойтахтимиздан, унга туташ жойлардан, қолаверса, чет эллардан ҳам сайёҳлар келиб дам олиб кетишади. 10 метрлар чамаси баландликдан оқиб тушадиган шаршара ёзнинг ҳар қандай жазирама иссиқ кунларида ҳам ҳавони мўътадил ушлаб туради.

Ана шу зилол сой соҳилида куни кеча янги чойхона қад ростлади. Шу куни отахонлар чойхонаси кўприкбошиликлар ва узоқ яқиндан келган меҳмонлару, қурувчилар билан гавжум бўлди. Чойхонани район ҳокими А. Йўлчиев очиб, уни бунёд этишда ва ишга туширишда ҳиммат кўрсатган қурувчиларга, савдо ташкилоти раҳбарларига қишлоқ аҳли номидан миннатдорчилик изҳор қилди.

Меҳмонларга ош тортилди. Қуръон тиловат қилинди.

— Қурувчиларимиз 850 минг сўмлик иш бажаришди, — дейди «Современник» ширкатининг раиси Турсунбой Азимов. — Ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар сезилиб турган ва қурилиш материаллари анқонинг уруғи бўлган бир пайтда ҳар бири 50 ўринли 2 та катта зал, битта тантаналарни ўтказиш, 2 та фахрийлар хоналари, овқат тайёрлаш, самовар қўйиш катта комплексини қуриб битириш ва жиҳозлашнинг ўзи бўлмади. Бу борада бизга Чирчиқдаги «Электрик» кичик корхонасининг директори М. Дўйсенов, пардозловчилар участкасининг Т. Бозорбоев раҳбарлик қилаётган қурувчилар бригадалари яқиндан ёрдам беришди.

— Қурувчилар ҳиммати-га балли, — дейди чойхоначи Дониёр Ғофуров. — Эндиги вазифа биринчи навбатда отахонлар ва чойхонамизга ташриф буюрган меҳмонларга беминнат хизмат кўрсатиш, улар кўнглини олиш. Бу ерда никоҳ кечаларини, тўй-маъракаларни, юбилей кечаларини ва бошқа тантаналарни ўтказиш учун ҳам барча шарт-шароитлар яратилган.



● Бўстонлиқ райони бош пиллахонасида иш қизғин тиғиз. Пилла қабул қилиб олиш авжида.

СУРАТДА: катта агроном Яшнар Ҳакимов ва лаборант Муҳайё Норматова қабул қилиб олинган пилла сифатини кўздан кечиришмоқда.

Сураткаш В. ПОРТНОВ.

# ТЕЗКОР ДОРИЛФУНУНЛАР

Қибрай район «Билим» жамияти ташаббуси билан ташкил этилган тезкор дорилфунунлар машғулотларида 120 дан ортиқ тингловчи қатнашмоқда. Бу ерда улар кичик ҳамшира, болалар боғчаси тарбиячиси, бухгалтерлик, кутубхоначилик ва шунга ўхшаш касб сирларини ўрганмоқдалар. Бу дорилфунунларни тамомлаб чиққанларни иш билан таъминлашни эса Қибрай меҳнат биржаси ўз зиммасига олган.

Ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар ижобий самараларни бермоқда. Куни кеча яна 30 нафар тингловчи бухгалтерлик курсини битириб чиқди. Шунингдек марказий поликлиника қошида очилган икки ойлик ҳамширалар тайёрлаш курсини ҳам 14 нафар хотин-қиз битириб, ихтисосли бўлди.

А. ФОЗИЛОВ.

• *Тошкент вилояти ҳокимлигида*

# МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК ҚИММАТГА ТУШАДИ

СЎНГГИ кунларда Тошкент вилоятининг айрим районларида турли нохуш эпидемиологик воқеалар рўй берди. Айниқса, Оққўрғон районида ҳайвонлар орасида қутириш, Оҳангарон ва Янгийўл шаҳарларида озиқ-овқатдан аҳолининг заҳарланиши қайд этилганлиги ачинарли ҳолдир. Вилоят эпидемияга қарши фавқулодда комиссиясининг навбатдаги йиғилишида ана шу ташвишли воқеалар атрофлича муҳокама этилди. Асосий диққат-эътибор бу ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганишга, бундай воқеаларнинг олдини олишга, мутасаддиларнинг масъулиятини оширишга қаратилди.

Хўш, Оққўрғон районида ҳайвонлар орасида қутириш рўй берганлигининг бош сабаби нимада? Эпидемияга қарши фавқулодда комиссия аъзолари бу борада ўзларининг қатъий фикрларини билдирдилар. Биринчидан, районда ушбу воқеа содир бўлмагунча бирон марта район эпидемияга қарши фавқулодда комиссиясининг йиғилиши ўтказилмаган, зарур тадбирлар белгиланмаган. Ваҳоланки, вилоят эпидемияга қарши фавқулодда комиссиясининг шу йил 9 мартда бўлиб ўтган йиғилишида вилоятда одамлар ва ҳайвонлар орасида қутириш, бруцеллёз ҳасталикларининг аҳволи ва уларга қарши олиб борилаётган чора-тадбирларнинг бажарилиши тўғрисидаги масала атрофлича муҳокама этилиб, махсус қарор қабул қилинган эди. Минг афсуски, Оққўрғон районида бундан тегишли хулоса чиқарилмади. Бу ерда ит ва ҳайвонлар ўртасида қутириш касаллиги тарқалиб, бир гуруҳ одамларнинг ҳаётини хавф остига қўймагунча ҳеч қандай чора кўрилмади. Ана шу нохуш воқеа туфайли 37 кишини профилактик тадбир учун шифохонага ётқизишга мажбур бўлинди. Уларга кўп миқдорда дори-дармон ва маблағ сарфланди.

Бундай касалликнинг келиб чиқишига дайди ит ва мушукларнинг ўз вақтида тутилмаётганлиги ва йўқотилмаётганлиги катта салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундан ташқари районда аҳоли ўртасида ит ва мушукларни сақлаш қоидалари қўпол равишда бузилаётганлиги аниқланди. Давлат ички ишлар бўлими ходими, қишлоқ ва қўрғон Кенгашларининг мутасадди кишилари бу борада назоратни мутлақо унутиб қўймоқдалар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қарор қабул қилган фавқулодда комиссия Оққўрғон районидаги «Гулистон» жамоа хўжалигида содир бўлган воқеанинг келиб чиқишига йўл қўйганлиги ва комиссиянинг қарори ижросини ўз вақтида таъминламаганлиги учун район бош ветеринария врачи Т. Мирзакаримовни вазифасидан бўшатди. Район уй-жой ва коммунал хўжалик идораси мудири Х. А. Сайдаҳметовга қаттиқ хайфсан берилди. Район деҳқончилик уюшмаси бош мутахассиси В. Ли, ички ишлар бўлими бошлиғи Э. Абдуллаев, соғлиқни сақлаш бўлими мудири З. Ғиёсов, санитария-эпидемиология станцияси бош врачи Б. Бобоев ва бошқа мутасадди раҳбарларга бундай воқеаларнинг олдини олиш учун қатъий чора-тадбирлар кўриш вазифаси юкланди. Шунингдек, вилоят прокурори А. Маннонов-га районда содир бўлган воқеа сабабларини аниқлаш, айбдор шахсларни жазога тортиш ва улардан сарф бўлган маблағни ундириш чорасини кўриш юзасидан ишларни ниҳоясига етказиш сўралди.

Халқимизда «кейинги пушаймон ўзингга душман», деган гап бор. Бу бежиз айтилмаган. Оҳангарон ва Янгийўл шаҳарларида рўй берган воқеани ана шундай, баҳолаш мумкин. Агар бу районларда давлат санитария назорати томонидан озиқ-овқатдан заҳарланишнинг олдини олиш, озиқ-овқат ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган корхоналарни баҳорги-ёзги мавсумга тайёрлаш юзасидан белгиланган тадбирлар ўз вақтида амалга оширилганида Оҳангаронда 14 киши, Янгийўлда 30 киши сифатсиз таомни еб, заҳарланмаган бўлур эди. Афсуски, Оҳангарон ва Янгийўл шаҳарлари умумий овқатланиш корхоналарига қарашли қандолат цехларининг ходимлари истеъмол қилиш мумкин бўлмаган, санитария шифокорлари таъқиқлаган кремли қандолат маҳсулотларини сотувга чиқармасдилар.

Комиссия аъзолари бу масалани муҳокама қилар эканлар, биринчи галда юқоридаги районлардаги қандолат цехларининг мавсумга тайёрланмаганлигини, ишлаб чиқариш жараёнида санитария қоидаларига риоя қилинмаётганлиги, шароитнинг ёмонлиги, сув етказиб беришда тез-тез узилишлар бўлиб туриши, бу корхоналар музлатгич ускуналари билан етарли таъминланмаганлиги натижасида ана шу воқеа рўй берганлигини таъкидладилар.

Комиссиянинг хулосасини тинглар экансан, бир мулоҳаза тинчлик бермайди кишига. Наҳотки, юқоридаги ташкилотларнинг мутасадди ўртоқлари тайёрланаётган маҳсулотларни болалар, қариялар ва бошқа меҳнаткашлар истеъмол қилишини ўйламаган бўлсалар. Йўқ, ўйлашган, ўйлашгану нафс балоси, фойда олиш истаги ҳамма нарсадан устун келган. Бу масала ҳам изсиз қолмади. Назоратни сусайтириб юборганлиги учун вилоят умумий овқатланиш бошқармасининг бош мутахассиси С. С. Валиева 3 ой мухлатга лавозимидан пасайтирилди, бошқарма бошлиғининг ўринбосари Т. Жалиловга қаттиқ ҳайфсан берилди.

Янгийўл шаҳар эпидемияга қарши фавқулодда комиссиянинг қарорига биноан шаҳар умумий овқатланиш трести раҳбарининг ўринбосари А. Умарбоев, трест врачи А. Қўзиев ва омбор мудири Мирзабобоевларга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди. Тўртинчи бўлинма мудири А. Акромбоевни 3 ой мухлатга мансаби пасайтирилди. Қандолат цехи бригадири С. Болтабоева, тўртинчи бўлинма технологи С. Ким вазифасидан бўшатилди.

Оҳангарон шаҳрида рўй берган масъулиятсизликда бош айбдор бўлган шаҳар умумий овқатланиш комбинати директори ўринбосари Ш. Ҳикматов, шу комбинат қандолат цехи мудири В. Палаткина ва сотувчи М. Ҳайдарова ишдан бўшатилдилар. Умумий овқатланиш комбинати директори Д. Шукуровга қаттиқ ҳайфсан берилди.

Ҳа, айбдорлар ўз жазосини олди, рўй берган воқеалар юзасидан тадбирлар белгиланди. Лекин назаримизда бу хил масалаларга жиддийроқ муносабатда бўлиш керак. Энг муҳими — масъулиятсизлик қимматга тушишини унутмайлик. Ахир гап инсон саломатлиги устида бормоқда. Ўйлаймизки, вилоятдаги, район ва шаҳарлардаги мутасадди ўртоқлар бундан тегишли хулоса чиқариб оладилар.

Вилоят эпидемияга қарши фавқулодда комиссиясининг йиғилишини вилоят ҳокимининг ўринбосари Ҳ. Ҳ. Ҳамидов олиб борди.

*Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин ҲОЖИЕВАни қутлаб*

# УЙҒОТА ОЛДИКМИ ЭЗГУ ТУЙҒУЛАР?

**БИЗ пахта йиғим-теримига ёрдамга борганимизда аёзли, изғиринли кўз кезлари совуқда жунжикиб шеър ўқишардик. Қорачадан келган, нозиккина Ойдин Ҳожиеванинг шеърлари тиниқ, малҳамли, малоҳатли эди... Бу баҳони дорилфунунда ўқиб юрган кезларимиздаёқ устоз Озод Шарафиддинов, Умарали Норматовлар беришган эди. «Унинг шеърларида Миртемирга хос халқчиллик бор», деган эдилар Умарали ака Ойдиннинг Миртемир ижодидан диплом ҳимоя қилган куни.**

**Мана энди Ойдин Ҳожиева ижоди айни ғарқ пишган паллада «Ўзбекистон халқ шоири» юксак унвонига сазовор бўлди.**



**СУРАТДА: Ойдин Ҳожиева устози Зулфия билан.** **Сураткаш Р. ШАГАЕВ.**

Баҳор бошланибдики, яхши кунларга яхши кунлар уланиб кетмоқда. Рўза ойлари, ийди Рамазон, Наврўз, худди шундай чин арафа кунларида Ойдин эллик ёшга тўлди. Биз у билан мактабларга учрашувларга бордик. «Қадамингизга гуллар сочилсин» деган гапни мана шу учрашувларда унга қарата айтилганини чуқур ҳис этдим. У таълим даргоҳлари эшигидан кириб бориши билан болалару муаллимлар муаттар гуллар билан кутиб олишади, шеърларини ёд айтишади... Бу — жуда катта бахт! Бу бахт ўз-ўзидан келган эмас, албатта. У тинимсиз меҳнат, машаққатли изланишлар, бедорликлар маҳсули.

Бу учрашувлардан шуни сездимки, Ойдинга шоиралик онасидан юққан, сут билан кирган. Шунинг учун унинг шеърияти қўшиқдай майин, юракларга малҳамдек сизиб боради, шеърларидаги пинҳоний дард ҳам сизда умидбахшлик уйғотади. Ойдинда яна бир фазилат бор: хоҳ ўзидан катта ижодкор, хоҳ адабиётга эндигина кириб келаётган ҳаваскор бўлсин, унинг шеъридаги энг чиройли, ёркин ва ўзига ёқиб қолган сатрларини ёд айтиб юради.

Ойдин шеърларида уфуриб турган Ватанга, онага, фарзандга, ёрга меҳр омухта бўлиб, у қалбларга эзгулик уруғини сочади, гоҳо бу эзгулик исёнга айланиб сизни миллат дарди билан яшашга даъват этади.

Ойдин Ҳожиева «Курсдошларимга» шеърида:

**Бирорта юракда**
**ўстирдикми гул,**
**Уйғота олдикми эзгу**
**туйғулар?**

дея хитоб қилар экан, энг аввало, шоиранинг ўзи ҳассос шеърияти билан минглаб қалбларда эзгулик чечаклари ундирганини тан оласан. Афсуски, халқ шоираси деган номни олган ва эли эъзозлаётган шеър мулки соҳибасининг ижоди ҳали адабиётшунослигимизда тадқиқ қилинган эмас.

Шуларни ўйлар эканман, беихтиёр гуржиларга ҳавас қиламан. Чунки улар ўзларининг ҳар бир ёзувчи ва шоирасини арши аълоларга кўтариб қадрлашади. Битта шеър ёзган шоирнинг эшигига ҳам: «Бу ерда фалончи шоир яшайди» деб ёзиб қўйишар экан. Масковдаги ўрислар эса битта шеъри билан матбуотда чиққан қизини ҳам «Россиянинг келажаги бу» дея мақтовларга кўмиб ташлашади.

Минг қатла шукрлар бўлсинким, бизда ҳам ижод аҳли беминнат ардоқланадиган кунлар келди. Ойдин Ҳожиева ва Ҳалима Худойбердиевага «Ўзбекистон халқ шоири» унвонининг берилиши бунинг ёрқин далилидир, деб ўйлайман.

Ойдин ўзининг «Дўстинг бўлса» шеърида:

**Лоақал бир дўстинг бўлса**
**ҳаётда,**
**Яшамоқ кўринар жуда**
**ҳам осон,—**

дейди. Унинг ўзи дониш ақлли, бамаъни маслаҳати билан каттаю-кичикка ҳамиша баравар, ўртоқ, дўст бўлишга қодир. Катта қалби, меҳридарёлиги, мустаҳкам иродаси балки уни шу даражага етказгандир, деган ўйлар келади хаёлимга.

Дугонам Ойдин Ҳожиевани муборак ёши ва юксак унвони билан муборакбод этар эканман, унга энг аввало сиҳат-саломатлик, бардамлик тилаб қоламан.

**Қутби НОСИР қизи.**

---

**ОЙДИН**

# РУХСОРА ХОЛА

**«БОЛАЛИК БАЙРАМЛАРИ» БАДИАЛАРИДАН**

ХУДО урганни пайғамбар ҳассаси билан туртармиш.

Онам шундай деб айтадилар. Ҳайрон бўлдим. Муборак, Латофат билан сигир боққани чиққан эдим. Латофатдан бу гапнинг маъносини сўрадим.

— Дугонажон, эшитдингми? Рухсора холанинг пулини ўғрилар олганини?— деди у.

— Мен қаёқдан билай?— дейман елка қисиб.

Воқеа бундай бўлган экан: ўтган бозор кайвони биби Хожайи жаҳон бозорига сигир сотгани борган эканлар. Жониворни сотибдилар. Пулини рўмолчага тугиб, Ғиждувондан қайтиб келаётган эканлар. Йўрға эшакка тўйибойни миндириб олганлар. Хархўрга келишганда икки йигит изларига тушибди.

— Бийижон, чарчамадингизми?— сўрашибди улар.

— Холанг ўргилсин, нимага чарчайман? Эшаккина жонивор кўтариб келаётган бўлса.

— Холажон,— дебди бири,— мол сотганга ўхшайсиз чоғи?

— Ҳа, айланай, мана шу сағиргинанинг қўлини ҳалоллай деб жонҳалакман-да. Инакни бозорга солдим, айланиб кетай!

Ўша ўғрилар холани аврашибди. Рўмолчага тугилган пулларни бир санаб берайлик, дейишибди.

Санаб-санаб, «холажон, тўғри экан, баракасини берсин», деб қайтиб беришибди.

Хола хурсанд, уйга келибдилар. Пулни тахмондаги кўрпалар қатига яшириб қўйибдилар. Уч кундан сўнг маслаҳат оши бўлибди. Сарфу харажат расамади тайинланибди.

— Қани энди, холамулло, топган-тутганингизни ўртага ташланг. Етганича сарф қиламиз. етмаганига колхоз киссасидан ёрдам берамиз, — дебдилар Салим бобо.

Кайвони биби пул тугилган рўмолчани келтирибдилар. Очишсаки, рўмолчада иккитагина ҳақиқий ўн сўмлик, қолганлари сарғиш силлиқ қоғозлар эмиш...

Хола бечора «ё товба»лаб, ёқа ушлаб ўтириб қолибди...

Тўйни колхоз ранси жамоа ҳисобидан ўтказди. Биз ҳам тўйга бордик. Қиёмат базм бўлди. Тўлахон раққоса тўйни қизитди. Саҳарга ош берилди, сап-сариқ тиллодай майизлари ҳам бор. Киши бошига биттадан нонга бир капкирдан: ош берилди. Тўйибойнинг тўйи тўймисантўй бўлди.

Ана шу кайвони Рухсора хола элнинг бошини қовуштириб юрсалар ҳам, бирам соддаларки. Ҳар якшанба Бўстон бозорига борсалар, бир ҳангома бўлади. Бўлмаса келиб-келиб боланинг қўлидаги шарни бир пуфлаб берай, бачам, дейдиларми?

ҲАМЗАВОИга ўша куни учта шар олиб беришган экан. Уларни шиширириб, ипга боғлаб бераётса холажон учраб қолибдилар.

— Эби, бу пуфакларинг хушрўй экан, манам бир пуфлаб кўрай. Тўйибойимга олиб берай,— дедилар.

Холажон шарнинг биттасини пуфлаб-пуфлаб мешдай шиширдилар. Яна бир-икки пуфлагандилар, «пақ» этди-ю, ёрилиб кетди. Ана ҳангома, ана жанжал!

Ҳамзавой ерга ётиб олиб йиғлайди, пуфагимни бутунлаб берасиз, дейди. Шар сизга чит кўйлакмиди, тикиб-ямаб бўлса.

— Эби, ман пуфак шиширмайгина ўлай-да! Ҳамзажон, муни қандай қилиб бутунлайман?— деб худонинг зорини қилади холажон.

Олдинда холажон, орқада Ҳамзавой, у «шаримни топиб бер», деб йиғлаб югуради. Шундай қилиб кайвони бибиникига етиб келишди. Ҳамзавойга пуфак учун товон тўлаб, қулоғи тинчиди холанинг.

ҲАР ЙИЛИ кеч кузакда колхоз катта сайлу кўпкари беради. Дошқозонларда ҳалим, ош пишади. Зарбдорларга пул ва бахмал шойи мукофотлар улашилади. Катта тепалик қанотида кураш, кўпкари қизийди. Ҳолвапазлар, мисгарлар, новвойлар, ҳуштакчилар, қўғирчоқбозлар лангар ташлаб, ўз санъатларини намойиш қиладилар, бева-бечора, ғариб-ғуробаларга ёрдам пуллари берилади.

Кайвони бибининг бир ўғли Ғаффоржон далада борона тортаётганида от олиб қочиб, нобуд бўлган. Ҳар йили колхоз нафақа пули беради.

Катта сайил куни Жиянбой раис кайвони холага юз сўм ёрдам пули бердилар.

Кўпкари тиниб, бозорлар тугаб, сайил тарқади. Элулус уй-ўйига, тепа-тўйига дегандек қайта бошлади. Рухсора хола Тўйибойга тўртта шар олиб, шиширириб ипга боғлаб бердилар. Пойпиёда анча йўл. Неварачанинг қадамига қараб холажон ҳаммадан орқада қолдилар. Яна Ғиждувон бозоридагидай товламачилар чиқиб қолса-я! Пул тугилган рўмолчага тўртта шарни боғлаб олдилар: катта йўлга тушишганда бирдан шамол қурмагур туриб қолса-я!

Тегирмон бошидан ўтишгач, шамол яна кучайиб кетди. Шамол безори гоҳ кўйлакдан, гоҳ лачакларидан тортади, гоҳ шарларни ўйнайди. Бир ёқда Тўйибой «опичлаб ол», дейди. Холажон тойлоқдай набирани инқиллаб кўтариб оладилар. Тўртта шар эса лоп-лоп ҳавога кўтарилади.

Озгина дам олай деб набирани ерга туширдилар. Гувиллаган шамол бало-қазодай шарни юлқиб осмонга кўтариб кетди. Улар билан юз сўз пул тугилган рўмолча ҳам учиб-учиб ва кўтарилиб-кўтарилиб кўзга кўринмай ҳам қолди.

— Энди нима қиламиз, Тўйижон? Пул зормонда худо йўлига кетди-ку, бачам! Майли, Ғаффоржоннинг руҳига бағишладим,— деди мунғайиб Рухсора хола...

Эҳ, Рухсора хола! Канчаларга киндик буви бўлдингиз. Келинчакларни отга мингаштириб куёвникига олиб бордингиз. Элнинг яхши-ёмон кунида ҳамдам, аччиқ-чучугида қайғудош бўлдингиз.

**Талабалик йилларим ёзги таътилга борсам, париштадайгина бўлиб мени кўришга келардингиз. Кўзингиз кўрмай қолганида ҳам тўй-ҳашам, маърака-мавлуддан қолмасдингиз. Кичкинагина мойпилтали ўчоқда ҳар куни ўзингиз таом пиширириб, жийда асо ёрдамида йўлингизни топиб юрардингиз. Ваҳоланки кўзи очиқ туриб йўл йўқотганлар қанча эди! Қишлоқчани ёритган шамчироқ, диллардаги нур экансиз, билсам!**

**Энди бу қишлоқнинг сиздай мастура кайвониси, киндик момоси йўқ. Содда ва меҳрибон чеҳрангизни кўп эслайман. Кўнглим ёришиб кетади. Болалигим кўчаларида чироқ ёқиб кетган соддалигингизни хотирлайман. Сиз асли худо сийлаган банда экансиз! Худо сийлаган одамларгина яхши ном қолдирадилар экан...**

# Қадрият

Малик МУРОД, профессор

## ЙИГИТЛИК ШАЪНИ, ҚИЗЛАР ИФФАТИ...

ДОНО халқимизнинг ибратли қадриятлари орасида фарзандлар одоби, бошқача айтганда йигитлик шаъни, қизлар иффати борасидаги қарашлари, ҳаётий тажрибалари ва улар билан боғлиқ удумлар, анъаналар ҳам беғоят гўзал, серқирра, сержилодир. Бундай қадриятларнинг оилавий нуқтаи назардан аҳамиятидан ташқари чуқур ижтимоий-сиёсий, катта таълим-тарбиявий аҳамияти борлигига мутафаккир халқимиз ҳар томонлама юқори баҳо берган. Бунинг сабаблари бор, албатта. Зеро, йигит — эл, юрт қўриқчиси, шажара давомчиси — бўлғуси ОТА, оила меросхўри, қиз эса авлодлар етказувчи ОНА, эл-юрт момосидир. Шу боисдан фарзандларнинг бирови ота, бошқаси она бўлиб етишишининг ўзи кифоя эмас, балки эл-юрт манфаатларининг ҳимоячилари, авлодлар давомчиларига айланишлари ҳам лозим. Йигитлар шаъни, қизлар одоб-иффатига оид халқимиз қадриятларининг саҳифалари ҳам инчунон кўп, мазмунан бойдир. Уларнинг ҳар бирини одобнома саҳифалари дейиш мумкин. Ҳар қанча намуна олса, ибратли дарс сифатида амал қилса арзигулик.

Даставвал шуни айтиш керакки, ҳар қандай ота-она учун бўйга етган хоҳ қиз, хоҳ йигит—фарзанд дастлаб дунёга келган ва илк қадам босган кунларидагидек чексиз қувонч, битмас-туганмас шодлик, бахт-саодат манбаи бўлиб қолаверади. Уларнинг ҳар они, униб-ўсиши, вояга етиши, бўй чўзиши, ўсмирлик қилиқлари, айни чоқда ўзларини тутишлари, ота-она учун олам-олам севинч келтираверади, қониқиш, фахрланиш ҳиссини уйғотаверади. Айни чоқда, ўзини билган, ўзганинг қадрига етган, оиласи, маҳалла-кўй, қишлоқ—овулини, қолаверса халқи, юртини ўйлаган, улар олдида масъулият ҳиссини сезган ота-она вояга ета бошлаган ўғил-қизини зўр масъулиятни ҳис этган ҳолда зукколик билан катта ҳаётга тайёрлаб борган. Бу гап-сўз, ўз хатти-ҳаракатлари, одоби билан намуна кўрсатиш, халқ анъанавий педагогикаси, оғзаки ижоди, шунингдек, ҳаётий анъаналарни улар онгига ҳеч эринмасдан сингдириш орқали бўлган. Ҳа, фарзандга тарбия, одоб қадамма-қадам, кунма-кун, ҳатто соатма-соат амалга ошган. Фарзандлар камолотида халқимизнинг фидоийлиги, жонкуярлиги, масъулиятлилигини кўриб, ўқиб, эшитиб қойил қоласан киши. Дарҳақиқат, бола тарбиясида, хусусан уларнинг ўсмирлик даври камолотида нафақат ота-онанинг хулқ-атвори, одоби, балки қўни-қўшни, қариндош-уруғ, маҳалла-кўй, қишлоқ-овулнинг ҳам жавобгарлиги, масъулияти борлиги халқ анъанавий педагогикасида алоҳида таъкидланади. Бунинг учун биргина «Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она» мақолини эслаш кифоя. Хўш, йигит-қизлар қадриятлари ва уларни амалга оширишдаги халқ ОДОБНОМАСИ нималардан иборат? Халқ анъанавий педагогикасининг фарзандлар тарбиясидаги давомийлик, мунтазамлилик саҳифалари қандай?

Қадимий халқ анъаналарини кўздан кечирар эканмиз, одобномаси, ибратномаси саҳифаларини варақларканмиз беғоят ибратли, барча даврлар ва ҳамма учун керакли, зарур бўлган бир ҳақиқатга дуч келамиз. Бу — бола тарбиясининг узилиб қолмаслиги, занжирсимон уланиб кетиши, бирор кун, ҳатто бирор соат ё дақиқа бўлса-да уни унутмаслик ва бу соҳада ҳамма имкониятлардан фойдаланиш, қунт-сабот, ақл-заковат, фаҳм-фаросат, зукколик, топқирлик билан иш тутишлик, ибрат намунасини кўрсатиш, ҳеч нарсани эътибордан четда қолдирмаслик ва шу кабилардир. Бунда ҳамма нарса ҳисобга олинади. Масалан:

...Фарзандлар бахтиёр болалик йилларини ўтаб, ўсмирлик ёшига қадам қўйдими (буни ҳар бир хушёр ота-она, қолаверса халқ илғаб олади), тарбияда энди бошқача йўл тутилади. Бола туғилган кундан бошланган тарбия давом эттирилиши билан бир қаторда, ёш, характер, қизиқиш ва ўзига хосликни эътиборга олган ҳолда янада бошқачароқ тарзда иш тутилган.

...Фарзандлар «ажратилиб» — йигитга алоҳида, қизга алоҳида эътибор берган ҳолда тарбия ишлари олиб борилган. Бунда айниқса ахлоқий, жисмоний меҳнат, оилавий, маиший тарбиянинг энг нозик қирраларига аҳамият берилган. Ўсмирларга кўпроқ эркакча, яъни «Оталик — оила бошлиқлик» хусусиятлари сингдирилган, хусусан ўзини тутишида, гап-сўзда субутлилик, эл-юрт хизматида бўлишлик, жисмоний ишларда қатнашиш. Чиниқиш, кўпроқ жамоат жойларида бўлиб, одамларга аралашиш, иродали бўлиш, ҳайвонлар «тили»ни билишлик ва уларни бошқара олиш, отда юра ва чопа билиш, деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик, касб-ҳунар бобида иш юрита билишлик, тижорат савдо-сотиқни билиш, уй-рўзғор ишларини бажара олиш, эл-юрт манфаати йўлида фидоийлик кўрсата олиш, спорт ўйинларида (кураш, олишиш, ўқ-ёйни бехато ота билиш, сузишни ўрганиш, узоққа сакраш, қисқаси халқ анъанавий ўйинларини билиш) иштирок эта билиш кабилар шулар жумласидандир.

Қисқаси ахлоқий ва жисмоний баркамол инсон бўлиб етишига эътибор берилган.

Халқ наздида (ҳаётнинг ўзида ҳам!) ўсмирлик даври ғоятда эҳтиёткорлик, нозокат билан муносабатда бўлиш талаб этиладиган нозик давр. Шу боисдан ҳам ўсмирни ёмон кўзлардан, нопок нафаслардан асраш, ажина, алвасти, инс-жинслар, дев-парилар, шунингдек кўзи, суқи, киннаси бор кишилару беҳосият одамлардан сақлаб, улардан узоқроқ кўчишга ҳаракат қилинган. Бунинг учун уларга пичоқ тақиш, дуо-олқишлар битилган туморлар, шунингдек, кўзмунчоқлар қадаш, вақти-вақти билан нафаси бор кишиларга дамлар солдириш, парихонлар, дуохонларга боқтириш-қаратишлар, исириқ ва бошқа тимсоллаштирилган ўтлар, гиёҳлардан истеъмол қилиб юришлари одат бўлган.

...Ўсмир ёшдагиларнинг юриш-туришлари, борар-келар жойлари, суҳбатдош, сафардош, мактабдошлари, ошна-оғайнилари назорат остида бўлган. Ҳамма билан ҳам дўстлашиб, биродарлашиш, келар-келмас жойларда юриш, айтилган-айтилмаган жойларга бораверишш, тунлари беҳуда сандироқлашлар, ҳаддан зиёд оғир ишларни қилдирмаслик, толиқтирмаслик, муомала, панду насиҳат ва гап қотишда эҳтиёткорона иш тутишлик, вақтлари, дам олишларига эътиборни қаратиш, кўча-кўйга чиқавермаслик, ислом маданияти, динига оид муқаддас қоидалар, йўл-йўриқларга амал қилиш, муқаддас қадамжолар — азиз-авлиёлар, табаррук зотлар мақбаралари, адабиёт, санъат, илм-фан, маданият номоёндаларини, абадийлаштирилган жойларни қадрлай олишларига ҳам диққат-эътиборни қаратганлар. Бунда ўсмир-йигитлар билан кўпроқ ота, она, амма, хола, опа, тоға, амаки, катта ака шуғулланганлар. Тарбияга алоҳида-алоҳида, индивидуал ёндашиш билан бир қаторда, ҳар икки ўсмир тарбиясида баббаравар жавобгарлик ҳисси туйилган. Демак, ота-она аҳиллиги, оила, қариндош-уруғ тотувлиги, шунингдек, бола ва улар ўртасидаги яқинлик муҳим, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи роль ўйнаган.

...Ўсмирларни бақувват, тетик, одобли бўлиб ўсишини таъкидловчи халқ оғзаки ижоди намуналарида улар билан фахрланиш ва уларга юксак ишонч, умид билан қаралгани, тезроқ вояга етиб, ота-она, эл-юрт хизматига бел боғлашлари астойдил исталгани ифодалангани кўрамиз: «Йигит кишига — етмиш ҳунар оз», «Йигит деган эр бўлур, меҳнат кўрса шер бўлур», «Йигит сўзидан қайтмас, арслон — изидан», «Йигит ҳусни — ҳунар», «Йигитнинг сараси ёв босганда билинади», «Йигитнинг шаҳди қайтгунча, ҳўкизнинг шохи синсин» (Аслида йигитнинг сўзи қайтгунча — шайтоннинг бели узилсин) каби халқ донишмандлиги акс этган намуналар ҳам шулар жумласидандир.

Халқ одобномасининг ўсмир йигитлар шаънини улуғловчи, қадриятлари қадрини мадҳ этувчи энг саррин саҳифаларини ҳам халқ эртаклари, достонлари ташкил этади. Бунинг учун Гўрўғли, Алпомиш, Авазхон, Ҳасанхон, Рустамхон, Кунтуғмиш, Ёзи, Ёдгорбек, Равшанхон, Нурали каби ўнлаб халқ оғзаки ижоди эпик қаҳрамонларини эслаш кифоя. Бу қаҳрамонларда халқимизнинг ўсмир-йигитлар образлари, уларнинг қадриятлари юксакликдан туриб тасвирланади. Шу боисдан ҳам улар неча-неча йиллардан буён болалар ва ўсмирларнинг ҳар томонлама ибрат оладиган суюкли, ардоқли қаҳрамонларидан бўлиб қолмоқда. Ҳа, халқимиз ўсмирлар, йигитлар шаъни ва қадриятларини улуғловчи қўшиқлар, мадҳияларни кўплаб яратган.

Булардан ташқари ҳаётнинг ўзида яна кўпдан-кўп одатлар борки, уларда ҳам йигитлар одоби чуқур акс этган. Айни чоқда ўсмир йигитлар жисмоний куч-қуввати, етуклиги, одоб-аҳлоқи билан ота-она ва эл-юртга кўндаланг бўлганлар, унинг мушкулини осон, узоғини яқин қилганлар. Дарҳақиқат, ўспирин йигити бўлган хонадонга ўғри ё босқинчи ўйлаб кирган. Ўспирин йигитлар эл ҳимоячиси, юрт қалқони бўлганлар. Босқинчи ёв ўспирин йигити кўп бўлган мамлакатга ҳуда-беҳуда босиб киравермаган.

ҚИЗЛАР иффати, одоби, ахлоқига ҳам халқ катта аҳамият беради. Халқимизнинг балоғат ёшидаги қизлари тарбияси, ахлоқ-одоби борасидаги удумлари бошқача айтганда ўзига хос одобномасини кўздан кечирсак, бу соҳада ҳам оқилона тарбиянинг бир бутун дастурул амали яратилганлигининг шоҳиди бўламиз. Ана шу халқ анъанавий одобномасида ўспирин йигитлар билан вояга етган қизлар тарбиясида умумийлик билан бирга айрича, ўзига хос томонлари ҳам кўзга яққол ташланади. Бунинг учун қизлар одоби, хулқ-атвори, жисмоний тузилиши, қобилиятлари билан боғлиқ одобнома саҳифаларини кўзда тутиш кифоя.

...Қизлар ёшликдан, хусусан балоғат давридан аёллик меҳнати, касб-ҳунари, юриш-туриш, аҳлоқ-одобига ўргатилади. Бунда қизлик хусусиятлари, қобилият-қизиқишлари ҳисобга олинади.

...Йигитлар, айтилгандек меҳнатга тайёрланса, қизлар чеварлик, каштачилик, дўппидўзлик, уй-рўзғор тутишлик, хамир қориб нон ёпиш, кир ювиш, пазандалик, болага қараш каби кўпроқ оналар бажарадиган ишларга тортилади.

...Қиз бола ҳамиша ва ҳамма жойда чиллали, фариштали, нозик-назокатли ҳисобланган. Шунга қараб муомала, муносабатда бўлинган.

...Қиз болага оғир юк кўтартирмаслик, ариқдан хатламаслик, ёлғиз ҳаммомга юбормаслик, умуман ёлғизлатмаслик ҳаракатида бўлинган.

....Ўсмир йигитларнинг ўзига хос машқлари, ўйинлари бўлганидек, қизларнинг ҳам бошдан-оёқ одоб, аҳлоқ билан йўғрилган ўйинлари, машқлари бўлган. «Бола»ни бешикка белаб, аллалар айтиш, қўғирчоқлар билан ўйнаш, чочпопук, чўптош, меҳмон-меҳмон, ёр-ёр, келин тушди, тортишмачоқ, кийим бичиш, уй ясатиш, ўсма қўйиш, ўзига қараш, қўшиқ айтишув, ким ўзди, она-бола ва бошқалар шулар жумласидандир.

..Қизлар бўйга етганда уларни ёмон кишилар кўзидан сақлаш, инс-жинсга тегиздирмаслик, иффатини сақлаш кабиларга алоҳида аҳамият берилган. Бошқа хонадонда тунаб қолмаслик, тунда ташқарига чиқармаслик, йигитларга кўринмаслик, ёпинчиқ ёпиб юриш, кам гапириб, секин кулишлик, чой узатишлик, сигир соғиб, сут пиширишлик, уй-ҳовли, кўча-кўйни озода тутишлик, қўни-қўшни, таниш-билишга хушмуомалада бўлишлик, қизлик номуси, ори, шаънини қаттиқ сақлаш, одамларга тик боқмаслик, кишилар олдида керишмаслик, тўпиқни кўрсатмаслик, уйдан ҳуда-беҳуда кўчага чиқавермаслик, эшикдан мўраламаслик, бозорга, дўконга бормаслик, оғир юк кўтармаслик, кишилар даврасига кирмаслик, меҳмонлар олдида ўтириб қолмаслик, бошланг юрмаслик, чақалоқ ёхуд болани ўпавермаслик, дугоналарини келса-келмасга чақиравермаслик ва уларникига боравермаслик, эркаклар ишига аралашмаслик каби ўнлаб одобнома белгилари ҳам қизларимизнинг ўз қизлик латофатлари ва иззатларини сақлаб қолишга қаратилган.

Афсуслар бўлсинки, халқимизнинг ана шу ўсмир-йигитлар ва қизлар тарбияси, одоби борасидаги энг яхши удумлари, бир сўз билан айтганда, одобномасини шўролар даврида деярли инкор этишгача бориб етилди. Оқибат-натижада нима бўлди? Ўсмир-йигитларимизнинг кўпчилиги, айниқса, шаҳарликлар жисмоний меҳнат қилишга оғринади, ҳатто эллик-олтмиш кило юкни ҳам орқалаб ололмайдиган, курашиб рақибини енга олмайдиган бўлиб ўсдилар. Даҳшатлиси шундаки, ота-она ва бола, яъни ўсмир-йигит ёхуд бўйга етган қизлар ўртасидаги самимият, бурч, аҳил-иноқлик, оқибат, қадриятлар ҳам ўзгача тус олди. Ота-она қадриятларини менсимаслик, фарзандларга ишончсизлик пайдо бўлди. Ўсмир-йигит ота-она олдида чекиш, ичиш (ҳатто биргалашиб!), бепарда гапларни бемалол айтиб юбораверишн, ота-она ҳисобига яшаш, улар олдидаги фарзандлик бурчини унутиш, ота-онанинг гапини қайтариш, айтганларини қилмаслик, уларга қўпол муомалада бўлиш, ҳақоратлашлар, ҳатто қўл кўтаришлар одатий тусга, оддий воқеа-ҳодисаларга айланди. Бунинг муайян илдизлари, бир қатор омиллари бўлди, албатта.

Мен шу мақола муносабати билан болалар ва ўсмирлар тарбияси, одобига оид ва насроний тилидан ағдарилган бир қатор қўлланмалар, дарсликлар, методик йўлланмалар билан танишиб чиқиб, даҳшатга тушдим. Улардан ҳеч бирини ўзбекона таълим-тарбияга мутлақо қўллаб бўлмайди. Борди-ю, қўллаганда мислсиз ўпирилиш юз бериши, тарбия изидан чиқиши шундоқ кўриниб турибди. Бунинг учун биргина мактабгача ёшдаги болалар, ўсмирлик ёшидаги болалар гигиенаси, жисмоний, ахлоқий тарбиясига бағишланган китобларни варақлаб кўриш кифоя. Фикримизча, етмиш йиллик аҳлоқ-одоб, тарбияга оид қўлланмалар, китоблар, методик йўл-йўриқлардан, улар ўз даврида қанчалик аҳамиятли деб эълон қилинган бўлмасин, воз кечиб, шарқона, шу жумладан, ўзбекона ахлоқ, одоб, таълим-тарбияга ўтишнинг аллақачон вақти келди. Бунда бизга йўл-йўриқ берувчи, дастуруламал бўла олувчи, йўл қўйилган хатолар, камчиликларни тугатишга ёрдамлашувчи ўз дастурларимиз, бошқача айтганда анъанавий халқ педагогикаси одобномаси, синов-тажрибалардан ўтган қадриятларимиз, урф-одатларимиз, удумларимиз бор. Улар умумбашарий, хусусан, шарқона қадриятлар билан қўшилган ҳолда таълим-тарбия, аҳлоқ-одоб системасида ақл-идрокни ишга солган ҳолда қўлланила билинса болалар, шу жумладан, ўсмир йигит-қизларимиз тарбияси ва камолотида яхши натижалар бериши шубҳасиздир.

Шундай қилиб, доно халқимиз ўсмир ёшлар тарбияси, аҳлоқ-одоби бўйича жуда катта мактаб, жуда катта дарслик яратган. Бу дарслик саҳифаларининг ҳар бири ҳаётий қоидаларга, ахлоқий-фалсафий хулосаларга, маърифий-эстетик мисолларга бой. Ундан ота-оналаримиз ўз фарзандлари тарбиясида, ёшларимиз эса аҳлоқ-одобларини шакллантириш ва камол топтиришда ҳар қанча ўқиб-ўргансалар арзийди. Шуни унутмаслик керакки, кимда-ким халқ қадриятлари, удумлари, фольклори, анъанавий педагогикасида акс этган, жонли ҳаётда мавжуд бўлган одобнома, одатномасидан ўрганса, унга амал қилиб, оқилона қўллай билса, кам бўлмайди.

---

*• Оила даврасида*

## ТУРМУШ ПОЙДЕВОРИ — МУРОСАДИР

АЖДОДЛАРИМИЗ даврида оилалар анча мустаҳкам бўлганлиги, ўзаро можаролар, ажрашишлар ҳам жуда кам юз берганлиги маълум. Лекин оилага бошқачароқ қараш икки ўртадаги шахсий муносабатни жамоат ўртасида муҳокама қилиш, кўпинча аёлларнинг ёнини олиш туфайли ажралишлар кўпайиб кетаётганлигини изоҳлашга ҳожат йўқ, деб ҳисоблайман.

Яқинда бир ётоқхонада бўлдим. Асосан аёллар яшайдиган бу жойда қарийб 90 фоиз хотинларнинг эри йўқ, лекин ҳар бирида бир-икки нафардан бола бор. Йигирма бир ёшли Н. исмли аёл билан суҳбатлашдим. Унга:

— Ҳусну ақлинг етарли, бирорта ўзингга мос йигит билан никоҳдан ўтиб яшасанг бўлмайдими? — дедим.

У эса:

**— Ақлим бор учун ҳам эр қилмайман. Шундоқ яшаганим маъқул. Нима, битта тўнкага хизмат қилишим, бир умр чўридек яшашимни хоҳлайсизми?** —деб жавоб берди.

Бу ўринда изоҳга ҳожат йўқ.

Пойтахтдаги болалар уйи (етимхона)дан бирида бўлдим. Гапнинг очиғи, юрак-бағрим эзилиб кетди. Бу бечораларнинг ёзмиши не экан? Нега энди қандайдир ўткинчи сафо йўлида бу норасталар қурбон бўлиши керак? Суриштирсам ярмидан кўпининг онаси бор экан. Аммо...

Ф. исмли 12 яшар қизчани гапга солдим:

— Келгусида ким бўлмоқчисан?

**— Дўхтир.**

— Нега?

**— Чунки эшитишимча онамнинг юраги оғрир экан. Уларни тузатишим керак.**

— Онанг борми?

**— Ҳа, байрамларда, туғилган кунимда келиб турадилар.**

— Нега сени ўзи билан олиб кетмайди?

Қиз ерга қараганча жим қолди...

... Бир аёл эридан шикоят қилиб чиқди. Эмишки, эри рўзғорга қайишмас, уч нафар боласини ўзи боқаётган экан. Мен унинг эри ҳақида мақола ёзармишман.

— Хўш, — дедим ғижиниб, — мақола ёзсам, эрингиз рўзғорга қарашадиган бўлишига имонингиз комилми?

— Билмадим, кўзи очилар балки...

— Хафа бўлмангу, лекин гапнинг очиғи турмушини ўйлайдиган хотин эридан шикоят қилмайди.

Аёлгина индамай чиқиб кетди. Ўйланиб қолдим: «Нега аёлларимиз бетоқат, бесабр бўлиб қолган?» Онам доим айтадилар:

«Отанг раҳматли билан турмуш қурганимизда тўйдан кейин бир сўм ҳам пулимиз қолмаган. Худога шукр, чидам билан яшадик. Вақти-соати билан пулимиз ҳам бўлди, тўйлар қилдик. Эл-юртдан кам бўлмадик. Болам, сабр таги сара олтин. Ҳуда-беҳудага турмушни бузиш нодонликдир».

Марҳум дадам иморат қурувчи уста эдилар. 8—9 ёшимдан ёнларида юрардим. Ўнлаб хонадонларда бўлганман. Кўпгина оилалар шароитини кўрганман. Бир жойда ишлаётганимизда эр-хотин уришиб қолишди. Айб хотинида эди. Эри: «Ишлаб топиб келганимдан кейин рўзғорни эплаб ўтир», — деди. Хотини эса гап қайтарди. Икки ўртада жанжал чиқиб, аёл болаларни етаклаганча кетиб қолди. Уларга қараб туриб, бир муқаддас нақл ёдимга тушди: **«Агар эр ранжиса, хотинининг айбидан кечмагунча худо ҳам ўша аёлни кечирмас экан!»**

Айрим оилалар бузилишига атрофдаги одамлар, қариндош-уруғлар ҳам сабабчи бўладилар. Айтишларича, ош-овқатсиз уй бор экан, жанжалсиз хонадон йўқ экан. Бу айнан ҳақиқат. Хотин эридан аразлаб ота уйига кетади. Шунда отанинг эси бўлса: «Бор, қизим, эрингни ёлғизлатма. Яхшими-ёмонми ўз эринг. Чиққан қиз чиғириқдан ташқари», — дейиши шарт. Ваҳоланки, бўлар-бўлмасга куёвни ёмонотлиқ қилувчи қайноталар ҳам бор...

Шу ўринда ўзгалар турмушини бузиш энг оғир гуноҳ ҳисобланиши ҳақида айтилган бир ҳикоятни келтирмоқчиман:

### ҲИКОЯТ

«НАҚЛ ҚИЛИШЛАРИЧА бир одам қирқ йил давомида тўқсон тўққиз кишини ўлдирган экан. Охири гуноҳларини қандай камайтириш ҳақида ўйлаб қолиб, бир авлиёнинг олдига маслаҳат учун борибди. Авлиё унинг гапларини эшитиб, дебди:

— Тўғри, гуноҳинг жуда катта. Бироқ бу гуноҳни камайтириш мумкин. Уч йил давомида ўз меҳнатинг билан қовун етиштирасан, ҳосилни одамларга текинга тарқатасан.

Гуноҳкор киши бу шартга кўнибди. Икки йил ўтиб, учинчи йил ҳосилини ҳам йўлдан ўтган одамларга гоҳ каржлаб, гоҳ бутунича тарқата бошлабди. Шунда бир нотаниш кимса югуриб келаётганини кўриб, йўлга пешвоз чиқибди:

— Оғайни, илтимос, ҳеч бўлмаса бир тилим қовун еб кетинг.

— Э, йўқ, — дебди йўловчи, — жуда шошаяпман.

Йўловчи билан ёнма-ён чопганча қовун ейишга ундайверибди. Шунда йўловчи унинг қовунини жаҳл билан олиб, улоқтирибди. Бундан ғазабланган қовун эгаси:

— Шу вақтгача тўқсон тўққизта эди, сен билан юзта бўлади, — дебди-ю, қўлидаги пичоқни йўловчининг бўйнига санчибди.

— Э, афсус, уч йиллик хизматим зое кетди, — деганча яна авлиёнинг олдига бориб, ўтган воқеани сўзлаб берибди.

Авлиё эса:

**— Сен гуноҳ эмас, савоб иш қилгансан, чунки ўша одам бировнинг оиласини бузиш учун кетаётганди. Ўзгалар турмушини бузиш одам ўлдиришдан-да ёмонроқдир. Сен эса бир оилани сақлаб қолдинг, —** деб жавоб қилган экан...»

Бир танишим бор. Эри доимо ичади. Лекин хотин нима иш қилса ҳам аввал эридан сўрайди. Ҳар кўрганимда: «Келинойи, худо хоҳласа жаннатий бўласиз», — дейман. «Ҳа, — дейди аёл, — акангиз ичса ҳам, сўкса ҳам барибир болаларимнинг отаси. Ахир, айтишган-ку, ўнта ўғлинг бўлгунча битта чолинг бўлсин, деб».

Дадам раҳматли ичган ҳам, чеккан ҳам эмасдилар. Эрта тонгдан қош қорайгунча билганлари меҳнат эди. Ҳатто вафотларидан бир кун аввал ҳам хонтахта ясаш билан банд бўлган эканлар. Дадам вафотидан сўнг бир ҳафта ичида онамнинг сочларида қора тола қолгани йўқ. Нафақат онам, келинлару, уч ёшли жияним Беҳзод ҳам мунғайиб қолишди. Айниқса, жияним фотиҳага келган чолларга тикилиб туради, бувасини сўроқлайди. Марҳум дадам ҳеч маҳал қаттиқ, сўкиниб гапирмасдилар. Келин билан ўғил орасидан нари-бери гап ўтса, биз — ўғилларга танбеҳ берардилар. Бировнинг боласини ранжитмасликка ундардилар... Ҳа, оила бошлиғининг ўрни алоҳида бўлишига яна бир ишонч ҳосил қилдим.

Онам доимо келинларга уқтирадилар: «Келинпошша, эрингиз эшикдан келдими, ҳар қандай ишингизни тўхтатиб, пешвоз чиқинг, қўлидагини олинг, ҳол-аҳвол сўранг. Бу — аёл учун фарз!» Ва ўзлари ҳамиша шундай қилардилар...

Яқинда йигирма ёшлар чамаси бир келинчак эрининг устидан шикоят қилиб келди. Унинг гапига қараганда эри ҳеч ерда ишламас, фақат сиртқи бўлимда ўқир, рўзғор билан иши йўқ экан.

— Тўйгача бирор жойда ишлармиди? — деб сўрадим.

— Йўқ, ишламасди.

— Ўзингиз ишламайдиган вақтида кўриб-билиб тегибсиз, энди шикоят қилганингиз нимаси? Ахир, бу масала ўзаро ҳал қилиниши мумкин-ку, бегона одам аралашиб, нимани қойил қилиб берарди?!

Келинчак ёш бўлса ҳам заҳаргина экан. Менга қараб: «Сиз эркаклар ҳаммангиз бир, ҳеч маҳал аёлга қайишмайсиз», — деб чиқиб кетди...

ЭНДИ айримлар ушбуни ўқиб, мақсад нима эканлигини сўраши табиий. Биргина Тошкент шаҳри бўйича расмий маълумотларга қараганда **25 ёшдан 40 ёшгача бўлган қарийб 100 минг қиз-жувон** турмушга чиқмаган ёки эридан ажрашган. 16 ва ундан катта ёшдаги қиз-жувонларнинг 16 фоизи бева. 10 фоизи ажрашганлар. 18 фоизи эса ҳали турмушга чиқмаган. Турмуш бузилиши асосан 19—30 ёшлилар орасида кузатилади.

Бунинг бош сабаби кўпинча моддий келишмовчиликдан экан. Агар турмушга аждодлар ўгити, қадимий удумлар асосида ёндошсак, бўлар-бўлмас ажралишлару, икки ўртадаги тирик етимлар сони камайиши аниқ. Мен айнан шу нарсани истардим. Зеро турмушнинг мустаҳкам пойдевори — ўзаро муросадир.

Дилмурод САИДОВ.

---

*• Ёднома •*

## МЕҲР ҚОЛУР, ОҚИБАТ ҚОЛУР

**Эй дўстлар, қадим гап бу:
умр йўлчи, ҳаёт мангу,
Қадрига етмоқ — орзу,
беморингни асрагил.
Ёшлик—ярқ этган чақмоқ.
лаҳзаси жуфт эмас тоқ,
Баҳор қайтмаслиги ҳақ,
баҳорингни асрагил.
(Азим СУЮН).**

... Шаҳодат опани эслаганимда кўз олдимга ораста кийинган, чиройли турмакланган сочлари, жиддийлиги ўзига ярашган, жуғрофия муаллимаси, ташкилотчи ва ўз касбининг чинакам фидойиси бўлган бир инсон келади.

Ўрта Чирчиқ ноҳиясидаги «Ленин йўли» жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган Макаренко номли 11-ўрта мактабни тугатиб, худди шу ерда ижодий фаолиятини бошлаган Шаҳодат опа маориф соҳасида қарийб 18 йил фаолият кўрсатди. Тошкент Давлат педагогика олийгоҳининг жуғрофия куллиётини тугаллаб, дастлаб ўқитувчилик, кейинчалик мактаб директори бўлиб ишлади.

Шаҳодат опа аввало ёшларнинг севимли устози эди. Опани кўпроқ уларнинг ички дунёси қизиқтирар, ҳаётнинг мазмуни ўқувчиларининг ташналик билан тикилиб турган ўткир нигоҳларида, деб биларди.

Мактабнинг жуғрофия хонасида муаллиманинг ўз қўли билан ясаган кўргазмали қуроллар худди кечагидек яп-янги. Дид билан парвариш қилган гуллари неча баҳор очилиб, ўз эгасини ҳамон кутаётир. Кези келганда у ўзининг адолатпарварлиги, ноҳақликка қарши кураши, ноинсофликка тўғри муносабат билдира олишдек хислатлари билан «кимларгадир» ёқмаган, кимларнингдир эса хотирасида мангу из қолдирган. Кўп бора тўсиқларга учраганида ҳам эзгуликка талпиниб яшаган бу меҳнатсевар, фидойи муаллима «Катта ўқитувчи» унвонига сазовор бўлганида, қатор фахрий ёрлиқлар соҳибаси сифатида танилганида мактаб остонасини энг қутлуғ даргоҳ деб билган.

Шунданми, оғир хасталикка мубтало бўлганига қарамай, бир сония бўлса-да болалар даврасини тарк эта олмади. Вужудидаги оғриқни меҳрли кўзлар тафти билан енга олди.

— Шаҳодат қишлоқ шўроси ноиби сифатида ҳам фаола эди. Унинг жуғрофия фанини ўқитишга доир тажрибаларини вилоят миқёсига ёйса бўларди. Энг муҳими у катта-ю кичикка бирдек меҳрибон ва дўст эди. Афсус умри қисқа экан-да. Унинг тўйида айтадиган ёр-ёрларимиз хотира бўлиб қолди, холос. Бу дил сўзларини мактаб ташкилотчиси Мисқолой Тошева ҳаяжонланиб сўзлади.

Тил ва адабиёт муаллимаси Қандолат Одамбоева ҳам унинг қатор ижобий хусусиятлари ҳақида тўхталди. Ҳамкасбларининг барчасини фикрлари бир жойдан чиқди: у ҳам бўлса Ш. Соипова номини мактабга қўйиб, унинг хотирасини абадийлаштиришдир. Бу фикр ўқитувчилар жамоасининг педагогик йиғилишида кўриб чиқилган. Ҳа, шундай инсонлар бўладики, ҳаётдан кўз юмганларидан кейин ҳам худди тирикдек сизу бизнинг орамизда кезиб юради, нафаси нафасимизга урилиб туради. Бугунги кунда Шаҳодат опанинг синглиси Шоҳида, Покиза, келини Раъноҳонлар у юрган йўллардан қадам ташлаб, чала қолган ишларини давом эттиришмоқда. Қолаверса, ҳамкасблари, шогирдлари, севимли ўқувчилари, қанчадан-қанча дўстлари қабрини гулларга буркаб, муборак хотирасини ёд этмоқдалар.

Қаҳрамонимиз ҳаёт бўлганида, айни қирқинчи баҳорига пешвоз чиқарканлар. Чимилдиқ тутмаган қўлларида қалам, қалбида эзгулик билан яхши ном қолдирган муаллима Шаҳодат Соипова оз яшаса-да соз яшади. Зеро, яхшилардан яхши ном, меҳр-оқибат қолур. Бу меҳр-оқибат, қанчадан-қанча дилларга эзгулик уруғини мангуликка сочса ажабмас.

Анора КАРИМОВА.




# КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

## Душанба, 15. VI

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ромка, Фомка ва Артос». Мультфильм. 1, 2, 3-серийлар.
18.40 Болалар учун. «Бувижоним ўзлари — дуру гавҳар сўзлари».
19.00 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Бозор иқтисодиёти йўлида».
19.45 «Халқ тароналари». Телефильм.
20.15 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
20.30 «Узбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Узбекистон куйлагай». Жумҳурият ёш хонандаларининг саралов телевизион кўриги.
21.45 «Сенинг тақдиринг учун». Бадиий фильм.
23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Совға».
19.00 «Ассалому алайкум».
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
20.10 «Миришкорлар».
20.25 «Билиб қўйган яхши».
20.40 «Лаҳза». Хабарлар.
20.50 «Уйланиш». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»
I канал
Останкино

4.55 Кўрсатувлар тартиби.
5.00 «Якунлар».
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Чеҳрасига бир қарранг» рукни остида. «Лелнинг қўшиқлари». Телефильм.
8.50 «Мушук Базилио ва сичқонча Пик». Мультфильм.
9.00 Футбол. Европа чемпионати. Франция — Англия терма командалари. Швециядан кўрсатилади.

*

11.00 Янгиликлар.

* * *

13.05 Кўрсатувлар тартиби.
13.10 «Телемикст».
13.55 «Ён дафтар».
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 Кўрсатувлар тартиби.
14.25 «Ҳордиқ чиқаринг».
14.40 «Ўт илдизлари». Телевизион бадиий фильм. 1-серия — «Брукшдварис хоним ҳақида баллада».
15.55 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Оилавий низо» (Ўзбекистон).
16.00 «Стартинэйжер».

*

17.00 Янгиликлар.
17.20 «НЭП».
17.50 Футбол шарҳи.
18.15 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Ойнмнинг жазманлари». Бадиий фильм (Польша).
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

*

20.00 Янгиликлар.
20.20 «Янги студия» таништиради: «Вазият».
20.40 «Спорт уик-энди».
21.00 «Янги студия» таништиради.
21.35 Г. Гендель ля-мажор кончерто-гроссоси.

*

22.00 Янгиликлар.
22.40 Москва триоси чалади.
23.00 Футбол. Европа чемпионати. Голландия — МДҲ терма командалари. Швециядан олиб кўрсатилади.
01.05 «Қайрилиб боқишни унутма». Телевизион бадиий фильм.

● «ДУБЛЬ IV»
«Россия» канали

7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
7.50 Ишдан бўш пайтингизда. «ТВ-ателье».
8.10 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

12.55 Янгиликлар.
13.10 Футбол бўйича Европа чемпионати. Швеция — Дания терма командалари.
15.15 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
16.15 «Ишбилармон аёл».
16.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
17.00 Хабарлар.
17.20 Эълонлар.
17.25 «Ҳар бир кун байрам».
17.35 «Сиз яратган боғ».
18.05 «Россия билан юзмаюз».
18.25 Уз ишининг усталари. «Артист хотираси». С. В. Образцов.
19.15 «Бугунги Исроил».
20.00 Футбол бўйича Европа чемпионати. Шотландия — Германия терма командалари. Норчепингдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Хабарлар.
22.15 «Бешинчи ғилдирак». Бадиий-публицистик кўрсатув.

## Сешанба, 16. VI

● УзТВ I

7.00 «Узбекистон» ахбороти.
7.25 «Мақом». Телефильм.
7.55 «Аёллар». Бадиий фильм.
9.35 Узбек тилини ўрганамиз.
10.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележарида».
10.50 «Фан ва деҳқончилик».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ёшлик» оқшоми.
19.00 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Ҳуқуқ ҳаётимизда».
19.50 «Спортлото».
19.55 «Мерос». Ака-ука Сўфихоновлар.
20.30 «Узбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Ҳукумат тадбирлари».
21.30 «Мерос» (давоми).
22.20 «Оролга сайр». Бадиий фильм.
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Субҳидам».
19.30 «Ёзги дам олиш: хоҳиш ва имконият». Бевосита мулоқот.
20.30 «Етуклик». Тошкент хореографик билим юрти ҳақида.
21.40 Реклама. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»
I канал
Останкино

4.55 Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика.
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли бадиий фильм премьераси.
9.05 Футбол. Европа чемпионати. Шотландия — Германия терма командалари. Швециядан кўрсатилади.
11.00 Янгиликлар.

* * *

13.25 Кўрсатувлар тартиби.
13.30 «Ишсизларга ким ёрдам беради!».

*

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 Кўрсатувлар тартиби.
14.25 «Бу бўлган, бўлганди...».
14.45 «Ўт илдизлари». Телевизион бадиий фильм. 2-серия — «Мальвина бувн ҳақида баллада».
15.50 «Ёшлигимизда ҳавас қилган спортчилар». В. Старшинов.
16.10 «Топчумба». Мультфильм.
16.20 «440 герц». Усмирлар учун мусиқий кўрсатув.

*

17.00 Янгиликлар.
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 Қишлоқ хроникаси.
17.55 «Бегона уруш». Афғонистон уруши оқибатлари ҳақида.
18.15 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.00 «Ҳайрлашаётиб сизга айтсам...». С. Образцов.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.20 Кўрсатувлар тартиби.
20.25 «Сиртмоқда». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия («АЛКО» студияси).
21.30 «Беш ҳалқа».
22.00 «Лужникида» юлдузлар кечаси. Танаффус пайтида — (23.00) Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»
«Россия» канали

7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
7.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонадонингиздаги гуллар».
8.05 «Эскулап».
8.20 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

13.05 Футбол бўйича Европа чемпионати. Голландия — МДҲ терма командалари.

* * *

15.05 Янгиликлар.
15.20 «Болалик орзулари». Кўп серияли фильм премьераси. 6-серия.
15.40 «Рост» студияси. «Кенгуру».
16.10 «Простор ⊥».
16.40 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
16.55 Эълонлар.
17.00 Хабарлар.
17.20 Трансросэфир. «Ҳаракатдаги модель-2».
18.05 «Россия билан юзмаюз».
18.20 «Бизнинг экспертиза». 1-қисм. Кўрсатувда Е. Т. Гайдар, В. Н. Хлистун, В. Ф. Башмачниковлар иштирок этадилар.
19.15 «Ҳар бир кун байрам».
19.25 «Югославия варианти». 1-фильм — «Огоҳлантириш».
20.15 «Спорт олами «Жиллетт» фирмаси нигоҳи билан».
20.45 Криминал хабарлар.
21.00 Хабарлар.
21.20 Эълонлар.
21.25 «Югославия варианти». 2-фильм — «Хорватия: дард ва умид».
22.15 «Сўнгги қаҳрамон» (Виктор Цой).

## Чоршанба, 17. VI

● УзТВ I

7.00 «Узбекистон» ахбороти.
7.25 «Куйла, дуторим». Телефильм.
7.50 «Меҳрибон одамлар орасида». Бадиий фильм.
9.10 Араб тили.
9.40 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради.
10.25 «Келажагимиз мактабда».

* * *

17.50 Янгиликлар.
18.00 Футбол. Осиё кубоги. Тожикистон — Узбекистон терма командалари. Душанбедан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Узбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Меъморчилик — маданиятимиз кўзгуси».
20.30 «Узбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Шаҳар бедарвоза эмас».
21.40 «Ижод саҳифалари». Халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов.
23.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

10.30 «Қадрдон соҳил». Телефильм.
11.00 «Сирли сандиқ». Й. Охунбобоев номидаги Республика ёш томошабинлар театрининг спектакли.
12.05 «Семурғ». Бадиий фильм.

* * *

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўпламн.
19.20 «Спринт». Регби.
19.40 «Рақслар, рақслар».
20.25 «Ишбилармонлар».
21.10 «02» тўлқинида.
21.30 «Орхидея» вилласи». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»
I канал
Останкино

4.55 Кўрсатувлар тартиби.

*

5.00 Янгиликлар.
5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика.

*

8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.50 Мультфильм.
10.00 «Тарих босқичларн» рукни остида. «Советлар саройи». Илмий-оммабоп фильм премьераси (Екатеринбург киностудияси).
10.20 «Уй». Кекса авлод анъаналари ҳақида.
10.55 Кўрсатувлар тартиби.

*

11.00 Янгиликлар.

* * *

13.05 Кўрсатувлар тартиби.
13.10 «Телемикст».
13.55 «Ён дафтар».

*

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 «Шам ёниб бўлгунча». Телеочерк.
14.50 «Худди шундай бўлади». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
16.00 «Рок макс».
17.00 Янгиликлар.
17.20 П. И. Чайковский номли I халқаро ўсмирлар танловининг кундалиги.
17.40 «Коммунизм шарпаси учун допинг».
18.15 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.00 «Мавзу».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.20 Кўрсатувлар тартиби.
20.25 «Сиртмоқда». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
21.30 «Фермата». Ахборот-мусиқий кўрсатув.
21.50 «Қора қути».
22.20 «Илҳом чашмалари». «Еленанинг нафосати». (Мусаввир Е. Романова ҳақида).
22.50 Кўрсатувлар тартиби.

*

23.00 Янгиликлар.
23.35 Мусиқада шеърият.

● «ДУБЛЬ IV»
«Россия» канали

7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
7.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб».
8.05 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.20 Янгиликлар.
15.35 «Париларнинг кузги совғаси». Бадиий фильм.
16.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
17.00 Хабарлар.
17.20 Эълонлар.
17.25 Христианлар учун кўрсатув.
17.55 Трансросэфир: «Уз... Шарқ». Телекўрсатув.
18.40 «Лого» телеўйини.
19.10 «Ҳар бир кун байрам».
19.20 Парламент хабарномаси.
19.35 Спорт хабарлари. «Швеция-92».
19.55 «Бизнинг экспертиза». 2-кўрсатув.
20.55 Эълонлар.
21.00 Хабарлар.
21.20 Эълонлар.
21.25 «Қизил майдон таклиф этади» санъат фестивали олдидан.
21.55 Уз ишининг усталари. «Артист хотираси». С. В. Образцов.
23.00 Футбол бўйича Европа чемпионати. Швеция — Англия терма командалари. Стокгольмдан кўрсатилади.

## Пайшанба, 18. VI

● УзТВ I

7.00 «Узбекистон» ахбороти.
7.25 «Қадрдонлар кўчаси». Телефильм.
7.55 «Дипломли қассоб». Бадиий фильм.
9.00 Турк тили.
9.30 «Меҳнаткашлар манфаати йўлида». Бевосита мулоқот.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Чипнинг саргузаштлари». Мультфильм.
18.30 «Алифбо сабоқлари».
19.00 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Пахтакорларнинг дехзарб вазифалари».
19.50 «Жума оқшоми».
20.30 «Узбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Ҳукумат тадбирлари».
21.30 «Мақом» тарихидан». Минскин. 1-кўрсатув.
22.20 «Муҳаббат можароси». Бадиий фильм.
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Кулиб боқ, кичкинтой».
19.25 «Мусиқали меҳмонхона».
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Бу оқшомда».
21.40 «Пульс». Хабарлар.
21.50 Реклама. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»
I канал
Останкино

4.55 Кўрсатувлар тартиби.

*

5.00 Янгиликлар.
5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика.

*

8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.50 «Тимсоҳ-мушук». Мультфильм.
10.00 Футбол. Европа чемпионати. Швеция — Англия терма командалари. Швециядан кўрсатилади. Танаффус пайтида — (11.00) Янгиликлар.
12.20 «Телемикст».

* * *

13.05 «Ён дафтар».
13.10 «...16 ёшгача ва ундан каттолар».
13.55 Кўрсатувлар тартиби.

*

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 «Худди шундай бўлади». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
15.25 «Бугун ва ўша пайтларда».
15.55 Болалар учун фильм. «Арслоннинг саргузаштлари». 1-серия.

*

17.00 Янгиликлар.
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 Футбол. Европа чемпионати. Франция — Дания терма командалари. Швециядан кўрсатилади.
19.05 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

*

20.00 Янгиликлар.
20.20 Кўрсатувлар тартиби.
20.25 «Кинопанорама».
21.30 Эстрада қўшиқлари ёш ижрочилари «Ялта-92» VII телевизион танлови таништирилади.
22.00 Янгиликлар.
22.35 Кўрсатувлар тартиби.
22.40 «Доброгост». Телефильм.
23.00 Футбол. Европа чемпионати. Шотландия — МДҲ терма командалари. Швециядан олиб кўрсатилади.
01.05 «Лимпопо».
01.35 «Овозли йўлка». «ТВ-версия».

● «ДУБЛЬ IV»
«Россия» канали

7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
7.55 Ишдан бўш пайтингизда. «Диққат суратга олаяпман».
8.10 «Ҳақиқат оналари». А. Караулов саволларига Чернобиль АЭСининг собиқ директори В. Брюханов жавоб беради.

9.05 «Ҳужжатли панорама». «Қадимий вулқон этакларида».
9.20 «Кичик шаҳарлар — катта муаммолар».
9.50 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

13.00 Футбол бўйича Европа чемпионати. Франция — Дания терма командалари.
15.00 Янгиликлар.
15.15 «Россия қобусномаси». И. А. Гончаров.
16.00 «Тадбиркорлик ва анъаналар».
16.15 «Менеджерлар мактаби».
16.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
17.00 Хабарлар.
17.20 Эълонлар.
17.25 «Россия ва дунё».
17.55 «Жаноблар-ўртоқлар».
18.10 Махсус тижорат хабарномаси.
18.20 «Ҳар бир кун байрам».
18.30 «Бешинчи ғилдирак». Бадиий-публицистик кўрсатув.
20.00 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.
20.30 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.
21.00 Хабарлар.
21.20 Эълонлар.
21.25 Криминал хабарлар экрани.
21.35 «Формула-1» классида автопойга бўйича жаҳон чемпионати.

## Жума, 19. VI

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Муножат». Фильм-концерт. («Ўзбектелефильм»).
8.05 «Шоқол учун қопқон». Бадиий фильм.
9.25 Ўзбекистондаги иқтидорли болаларнинг биринчи кўриги натижалари.
9.55 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».
10.40 «Муҳофаза».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Петянинг орзуси». Мультфильм.
18.30 Болалар учун. «Гулғунчалар».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Замин саховати».
19.50 «Лола» ҳиди». Телеочерк.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Ўзлигинг намоён қил». Қашқадарё вилоятига бағишланади.
22.30 «Тўйлар муборак». Бадиий фильм.
23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

17.40 «Ватан посбонлари» (рус тилида).
18.25 «Иқтисодиёт ва турмуш».
19.10 Чоржўй маданият уйи «Мекан» ашула ва рақс дастасининг чиқиши.
20.00 Янгиликлар (рус тилида).
20.10 Кулги кечаси.
20.40 Кичкинтойлар, сизлар учун.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ватан». Ахборот кўрсатуви.
21.45 «Шоҳсанам ва Ғариб». Опера.
23.55 Янгиликлар.

● «ОРБИТА IV»

I канал

Останкино

4.55 Кўрсатувлар тартиби.

*

5.00 Янгиликлар.
5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика.

*

8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм.
9.00 «Кинопанорама».
10.05 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).

*

11.00 Янгиликлар.
11.20 Футбол. Европа чемпионати. Голландия — Германия терма командалари. Швециядан кўрсатилади.
13.15 «Бридж».
13.40 «Бизнес-класс».
13.55 «Ён дафтар».

*

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 «Кутамиз, қайтиб кел...». Телевизион бадиий фильм.
15.45 «Кичкинтой Гиппопонинг саргузаштлари». Мультфильм.
15.55 Болалар учун фильм. «Арслоннинг саргузаштлари». 2-серия.

*

17.00 Янгиликлар.
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 «Инсон ва қонун».
17.55 «Етимча Энни». Мультфильм.
18.05 П. И. Чайковский номли I халқаро ўсмирлар танловининг кундалиги.
18.25 «ТВ-Нева»: «Ким биз билан!».
18.45 «Леннеберглик Эмиль». Болалар учун кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 10-серия.
19.10 «Аёл театрда». Ярославль фестивали.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

*

20.00 Янгиликлар.
20.20 Кўрсатувлар тартиби.
20.25 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони», «Музобоз», «Ҳордиқ чиқаринг», «Хит-конвейер», «Сиёсий бюро»нинг сайёр мажлиси». Танаффус пайтида— (23.00). Янгиликлар.
00.15 «Видеодром».

● «ДУБЛЬ IV»

«Россия» канали

7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
7.55 Ишдан бўш пайтингизда. «Телестройсервис».
8.10 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

13.00 Футбол бўйича Европа чемпионати. Шотландия — МДҲ терма командалари.
15.00 Янгиликлар.
15.15 «Биринчи тайм».
15.30 «Бу ерда энг каттаси мен».
16.15 «Простор+».
16.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
17.00 Хабарлар.
17.20 Эълонлар.
17.25 Трансросэфир: «Ҳаракатдаги модель-3».
18.10 «М-трест».
18.25 «Оқ қарға».
19.10 «Ҳар бир кун байрам».
19.20 «Асил ҳолича». А. В. Руцкой «Республика» матбуот марказида.
20.30 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.
21.00 Хабарлар.
21.20 Эълонлар.
21.25 Парламент хабарномаси.
21.40 Футбол бўйича Европа чемпионати. Голландия — Германия терма командалари. Швециядан кўрсатилади.

## Шанба, 20. VI

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».

*

8.00 «Буни биз ўтмаганмиз». Бадиий фильм.
9.40 «Саёҳат — танга роҳат».
10.10 Ҳужжатли экран.
11.10 «Оқ йўл». Манион Уйғур номидаги санъат олийгоҳи битирувчиларининг концерти.
11.55 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Омад».
12.10 «Сув—ҳаёт мезони».
12.40 «Ёдиома». Аҳмад Яссавий хотирасига бағишланади.
13.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Иқбол».

* * *

17.00 Футбол. Ўзбекистон миллий чемпионати. Олий лига. «Пахтакор» — «Сўғдиёна» (Жиззах). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Телефильм.
18.50 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Тижорат канали: «Олтинга айланар бу юрт тупроғи...».
19.45 «Халқ ижодиёти».
20.30 «Туркистон» ахбороти.
21.00 Телевизион миниатюралар театри.
21.45 «Дастлабки тергов». Бадиий фильм.
23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

12.10 «Хотира».
13.10 «Оба дурмуши».

* * *

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

17.30 Янгиликлар.
17.35 «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари». Мультфильм.
17.45 «Қирғизча сўзлашишни ўрганамиз».
18.00 «Манастан аянба, калайик».
18.30 «Ала-Тоо».
18.50 «Опера театрида бир соат» (рус тилида).
19.50 «Енгиш». Телефильм.
20.00 «Журокто калган ирлар». Жолболду Алибаев.
20.30 «Ала-Тоо».
20.50 «Супер куулдул-92».

● «ОРБИТА IV»

I канал

Останкино

5.50 Кўрсатувлар тартиби.
5.55 Ишбилармон кишининг шанба тонги.

*

6.55 Янгиликлар.
7.30 Эрталабки гимнастика.
7.40 Кўрсатувлар тартиби.
7.45 «Спорт ҳамма учун».
8.15 «Мусиқий чолғулар ва уларнинг тарихи». Кўп серияли илмий-оммабоп фильм премьераси. 3-серия.
8.45 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин!».
9.00 «Труба» радиоси. Дам олиш кўрсатуви.
9.30 «Марказ».
10.10 «Сиз бунга қодирсиз».
10.50 «Тиббиёт сиз учун».
11.30 «Сердаромад жой».
12.20 Мультфильм.
12.30 «Немислар Иккинчи жаҳон урушида». Телефильм премьераси. 2-фильм.

*

14.00 Янгиликлар.
14.20 Кўрсатувлар тартиби.
14.25 «Омад».
15.20 «Ҳайвонот оламида».
16.20 «Қизил квадрат».
17.00 «Гулжаҳон». Мультфильм.
17.10 И. А. Гончаров. «Оддий воқеа». Москва «Современник» театрининг фильм спектакли.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

*

20.00 Янгиликлар.
20.20 Кўрсатувлар тартиби.
20.25 «Яраланган замин аксадоси». Адабий-мусиқий композиция.
21.25 «Учувчи стюардесса». Телевизион бадиий фильм премьераси. «Нодир асарларнинг ишқибозлари» туркумидан.
22.25 «Тунги альбом».
22.45 «Оқим». Телефильм.

*

23.00 Янгиликлар.
23.35 «Жиголо ва Жиголетта». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.

● «ДУБЛЬ IV»

«Россия» канали

7.00 Хабарлар.
7.20 Чашмалар. «Мишкин ҳақида меҳр билан».
8.00 Миллий баскетбол уюшмасининг баскетбол шарҳи.
8.30 «03» кўрсатуви. Телевизион саломатлик хизмати.
9.00 «Рус видеоси».
9.30 «Павлов овлари». Ҳужжатли фильм.
10.00 «Плюс ўн бир» видеоканали.
11.15 «Ойнаи жаҳон ҳақида монолог». Ҳажвчи ёзувчи Лев Новоженов.
11.45 «Бурда моден» таклиф этади...».
12.15 «Уз ишининг усталари». Владимир Ашкеназе.
13.15 «Қандай яшаймиз?».
14.00 Кундузги сеанс. «Чапақай». Бадиий фильм.
15.25 «Бродвейнинг ёнгинасида».

*

16.10—19.20
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

«Умид» (уйғур тилида).
«Авлодлар».
«Назокат».
«Безнен мирас» (татар тилида).

*

19.20 «Ҳар бир кун байрам».
19.30 «Пепси стилида мусиқа».
20.30 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.
21.00 Хабарлар.
21.20 Эълонлар.
21.25 «Мовий денгиз ёқасида». Бадиий фильм.
22.50 «Маски-шоу».
23.20 Вариацияли мавзу. «Поручик Галицин руҳан тушманг...».

## Якшанба, 21. VI

● ЎзТВ I

7.00 «Субҳидам».

*

8.00 «Министр бўлишин хоҳлайман». Бадиий фильм.
9.30 Хоразм телевидениеси кўрсатади. Қаландар Норматов билан учрашув.
10.00 «Оналар мактаби».
10.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Уйла, изла, топ!».
11.55 «Шоҳруҳ» клуби.
12.25 «Буюк қалбли Монас». Қирғизистон миллий Академик драма театрининг спектакли.
14.25 «Бизга мактуб йўллабсиз...».
14.55 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Замандас» (қозоқ тилида).

* * *

18.00 «Йўлдаги ҳангома». Мультфильм.
18.10 «Кичкинтой» устахонаси.
18.35 «Фикрлар тўқнашганда».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Қўлёзмалар — нодир хазиналар».
19.45 «Сиҳат-саломатлик». Тиббиёт ходимларн кунига бағишланади.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубовининг янги қўшиқлари.
21.50 «Қайтишни ҳаёлдан чиқаринг». Бадиий фильм.
23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

8.05—12.00 Қирғизистон телевиденнесининг болалар студияси намойиш этади. Программада: «Бобок сеннг жомогун», «Қирғизча сўзлашишни ўрганамиз», «Биздин анкета», «Ачик конул балдарбиз», «Балдар студиясинин мейманканасида», «Ҳамма, ҳаммага хайрли кун». Бадиий фильм...

* * *

17.35 «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари». Мультфильм.
17.55 «Қалб меҳрсиз бўлмайди» (рус тилида).
18.30 «Ала-Тоо».
18.50 «Темикемди эскерип... же биздин кезънадан».
19.50 Кечки видеосалон.

● «ОРБИТА IV»

I канал

Останкино

5.25 «Руҳни чиниқтириш».
6.25 Ритмик гимнастика.

*

7.30 «Спортлото» тиражи.
7.45 «Камалак» халқ ижодиёти телекўрсатувлари IX халқаро фестивали. «Фольк ва фольклор» (Чехо-Словакия).
8.20 «Эрта саҳарлаб».
9.00 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин».
9.30 «Тонг юлдузи».
10.20 «Ўз ўзингга мадад бер».
10.50 А. Синявский ва Ю. Даниэль ижоди ҳақида телефильм премьераси.
11.50 «Марафон-15».
12.30 «Янгра, гармонь».
«КТВ-I ва Франс интернасиональ канали» таништиради:
13.00 «Еввойи табиат қўриқхоналари» туркумидан телефильм премьераси. 4-фильм.
13.30 «Марк ва Софи». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-фильм.

*

14.00 Янгиликлар.
14.15 «Саёҳатчилар клуби».
15.05 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Хотин хушомад қиляпти — яхшиликка бўлмаса керак» (Франция).
15.10 П. И. Чайковский номли I халқаро ўсмирлар танловининг кундалиги.
15.30 «Уолт Дисней таништиради...».
16.20 Эфирда бевосита мулоқот.
17.00 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.

*

17.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.00 «Нима! Қаерда! Қачон!».
19.00 Якшанба кинопрограммаси. Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Эндхауз жумбоғи». Бадиий фильм («Мосфильм»).

*

21.00 «Якунлар».
21.45 «Оби-ҳаёт» клуби». Мусиқий кўрсатув.
22.30 «Телелоция».
22.45 В. А. Моцарт. 15-симфония. Соль мажор. «Виртуозн Москви» Давлат камер оркестри ижро этади. Дирижёр— В. Спиваков.

*

23.00 Янгиликлар.
23.15 Кўрсатувлар тартиби.
23.20 «Қубш немли юлдуз». В. Цой туғилган кунининг 30 йиллигига бағишланган концерт.

● «ДУБЛЬ IV»

«Россия» канали

7.00 Хабарлар.
7.20 «Тилла шпора».
7.50 «Ухшаш дунёлар».
8.35 «Севги изҳори». Фотосурат устаси Лев Шестеренков билан суҳбат.
8.50 «Хоҳ ишонинг...».
9.20 «Дунё фуқароларн». Ахборот-публицистик кўрсатув.
10.05 «Суперинтоб». Мультфильм. 12-серия.
10.30 «Ати-бати...».
11.00 «Чархпалак».
12.00 Ташқаридан туриб қараганда (Америкалик руслар Россиянинг иқтисодий сиёсати ҳақида).
12.30 «Визави».
13.00 Кундузги сеанс. «Отряд». Бадиий фильм.
14.35 «Пеликан» тадбири.
15.35 «Ҳайвонот оламида».

*

16.40—19.25
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

«Дўстлар даврасида».
«Дўстлик экрани».
«Калейдоскоп».
«Интерспорт».

*

19.25 Мульти-пульти. «Сеҳрли ўйинлар».
19.35 «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 54-серия.
20.25 «Уз ишининг усталари». Михаил Баришников.
20.55 Эълонлар.
21.00 Хабарлар.
21.20 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.
21.50 «Рок-кафе».
22.20 Санкт-Петербург балети. И. Стравинский. «Аполлон».
23.00 Футбол бўйича Европа чемпионати. Ярим финал матчи. Стокгольмдан олиб кўрсатилади.

---

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» ҳафтаномасининг 11 июнь сонидан олинди.

# ВАФО ҚИЛГАН ВАФО ТОПҚУСИДИР

Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрида Санда Зуннунова ҳаёти ва ижодига бағишланган хотира кечаси ўтказилди.

Шоиранинг шеърларини ўқир экансиз, бенхтиёр оддий ўзбек аёлининг қиёфаси кўз ўнгингизда гавдаланади. Ҳа, заҳматкаш, қуюнчак, шу билан бирга катта сабр-бардош ва садоқат эгаси бўлган аёлларимиздан бири эди у.

...Қирқинчи йилларнинг охири жумҳуриятимиз ижодкорлари учун оғир кечди. Қатағонлар бошланди. Шоиранинг умр йўлдоши Санд Аҳмад ҳибсда эканида айрим «маслаҳатгўйлар»: эрингдан воз кеч, бўлмаса ёзувчилар уюшмасидан ўчирамиз, дея пўписа қилишди. У бундай нишни ўзига ор билди. Иккита дипломи бўлатуриб ўзига лойиқ иш тополмаса-да, ҳаётнинг аччиқ синовларига мардона бардош бера олди.

Инсоннинг маънавий гўзаллиги виждон ва эътиқодининг уйғоқлигида, турмуш машаққатларини матонат билан енгишида, дўстларга содиқлигида, дея бежиз таъкидламайди шоира. Зеро, унинг ўзи садоқат ва вафо тимсоли эди. Санда Зуннунова бадиий ижоднинг қайси жанрида қалам тебратмасин, ўз эътиқодида собит қолди.

Республика адиблари иттифоқи уюштирган хотира кечасида сўзга чиққан ёзувчи ва шоирлар ижодкорининг машаққатли ҳаёт йўли, ўзига хос мафтункор шеърлари ва насрий асарлари ҳақида тўлқинланиб гапиришди. Санъаткорлар шоира шеърларига басталанган қўшиқларни ижро этишди.

(ЎзА).

# ДЎСТЛИК БАЙРАМИ

Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» давлат хўжалиги стадионида корейсларнинг миллий байрами бўлди. Пойтахт вилоятининг турли районларида яшовчи корейс миллатига мансуб юзлаб кишилар эрта тонгданоқ хўжалик маркази томон ошиқдилар. Улар орасида ўзбек ва қозоқ, туркман ва тожик, бошқа миллат вакилларини кўриш мумкин эди. Зотан, бу ерда барча миллат вакиллари оға-инилардек яшаб меҳнат қилмоқдалар.

Тантана корейс халқ дастаси иштирокчиларининг дилрабо қўшиқлари билан бошланди. Кечгача давом этган байрамда қизиқчилар ва полвонларнинг чиқишлари, турли спорт мусобақалари ўтказилди.

(ЎзА).

# ЯНА ИККИ МУЗЕЙ

Бугунги кунда жумҳуриятимиз пойтахтида талайгина музейлар ишлаб турибди. Улар фаолияти Ўзбекистон Маданият вазирлигининг Маданий ёдгорликлари бош бошқармаси томонидан мувофиқлаштириб турилибди.

Бошқарма янги музейларни ташкил этиш режаларини ҳам белгилаб олди. Тошкентда биринчи ўзбек президенти ва оқсоқоли Йўлдош Охунбобоев номини абадийлаштириш мақсадида алоҳида музей очиш тараддуди ҳам кўрилмоқда. Ўзбек халқининг асл фарзанди номи билан юритиладиган ушбу музейни экспонатлар билан жиҳозлаш учун катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Айни бир вақтда Жиззахда атоқли давлат арбоби ва ёзувчиси Шароф Рашидов музейини очиш тадбирлари ҳам кўрилмоқда.

С. ОДИЛОВА.

## • ҲАР ТЎҒРИДА

# СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

● Америка олими Кларк, ундан сўнг рус академиклари В. И. Вернадский, А. И. Фресманлар қатор далиллар асосида кўпгина элементларнинг ер қобиғидаги миқдорини тахминий ҳисоблаб чиқдилар. «Элементларнинг кларкча таркиби» деган тушунча ана шундан келиб чиққан.

Литосферадаги элементлар таркиби ёки уларнинг учраш даражаси одатда элементнинг бошқа элементларга қараганда оз-кўп миқдорда тарқалгани ўзаро нисбат билан ифодаланади. Бошқача қилиб айтганда Кларк у ёки бу элемент атоми ёҳуд оғирлик ўлчовининг фоиз билан ифодаланишидир.

Мисол учун баъзи бир элементларнинг Кларк ўлчовини солиштириб кўрайлик: водород — 10 фоиз, кислород — 49 фоиз, кремний — 26 фоиз, скандий — 0,0006 фоиз ва ҳоказо.

Кўриниб турибдики, агар ер қобиғидаги оддий элементларнинг таркиби бутун сонли фоизлар билан ифодаланса, нодир материалларнинг таркиби эса фоизнинг 10 мингдан бир ва юз мингдан бир каби улушлари билан белгиланади.

● АПОЛЛОН — қадимги юнон афсоналарида қуёш худоси, санъат хомийси бўлиб, уни гўзаллик рамзи деб ҳисоблашган.

Американинг марҳум Президенти Жон Кеннеди Ойга фазогирлар тушириб, уларнинг ерга яна қайтиб келишини кўзда тутган дастурга шартли равишда «Аполлон» номини берган эди.

● НУМИЗМАТИКА — тарих ёдгорликлари бўлган пуллар, тангалар, турли хилда зарб этилган нишонлар ҳақидаги фандир. Масалан, XVII асрда Бухорода зарб этилган танга пулларнинг ўнг бетига араб ҳарфлари билан «Зарби Бухорои Шариф», яъни «Муқаддас Бухорода зарб этилган» деган сўзлар битилган бўлса, тескари томонига эса «Имомқули Баҳодирхон», «Нодир Муҳаммад Баҳодирхон» сўзлари ёзилган. Тангалар соф кумушдан зарб этилган.

Мазкур чақа пуллар X-VII асрдаги Бухоро хонлигининг тарихи, иқтисодий сиёсий аҳволи қандай бўлганлигидан ҳам далолат беради.

# ЙИРИК МАРКАЗИЙ ГЕРБАРИЙ

Гўзал диёримиз ўзининг сўлим табиати, ўсимлик дунёси билан машҳур. Ана шу бебаҳо бойликни асраш, кўпайтириш борасида кўрилаётган тадбирлар ҳам диққатга сазовордир. Кўплаб ўсимлик турлари намуналари асосида коллекциялар ва гербарийлар тайёрлаш орқали ҳам ажойиб табиатимизни кўз-кўз қилиш мумкин.

Ўзбекистон Фанлар академияси Ботаника илмгоҳида жумҳуриятимизнинг марказий гербарийсини тайёрлаш юзасидан бошланган хайрли иш мақсадга мувофиқ равишда амалга оширилди. Илмгоҳ директори атоқли олим Ў. Пратов ташаббуси билан юзага келган гербарийни бунёд этишда кўпгина олий ўқув юртлари ва илмий муассасалар фаолият кўрсатдилар. Тошкент Давлат дорилфунуни ўсимлик моддалари кимёси илмгоҳи ва бошқа илм-фан даргоҳлари, айниқса, жонбозлик кўрсатдилар. Шу тариқа гербарийларнинг йирик фонди яратилиб, ботаника фани мулкига айлантирилди.

Бугунги кунда ушбу яшил ҳазинада миллиондан ортиқ ўсимлик тури барглари жамланган. Эндиликда бу ноёб фонд мустақил ҳамдўстлик давлатлари ичида Санкт-Петербург Ботаника илмгоҳи тайёрлаган гербарийдан кейин иккинчи ўринда туради.

А. АКБАРОВ.



# РАҲИМ АҲМЕДОВ АСАРЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси кўргазма залида халқ рассоми Раҳим Аҳмедов таваллудининг 70 йиллигига бағишланган асарлар кўргазмаси очилди. Бу ерга қўйилган 350 дан зиёд ажойиб асарларни томошабинлар қизиқиб кўришмоқда.

СУРАТЛАРДА: халқ рассоми Раҳим Аҳмедов, халқ артисти Малик Қаюмов ва Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири Зафар Ҳакимов; кўргазма залида.

Сураткаш Р. ШАГАЕВ.

(ЎзА).



• ЭЪЛОН •

● «Тошкенттикланиш» Давлат қурилиш бирлашмаси қўмитасига қарашли «МАН» кооператив

ТУГАТИЛДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

• ЭЪЛОН •

Тошкент шаҳар С. Раҳимов районидаги 191-ўрта мактаб томонидан Александр Валерьянович Тен номига берилган У № 593663 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

● Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32.
Рўзнома офсет усулида А—3 форматида босилади. ●

Буюртма — Р 131. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 20.10. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12